

ЧАРМИТАН КОНИ ОЛТИН МАЪДАНЛАРИНИНГ ВЕРТИКАЛ ЗОНАЛЛИГИ

М.А.Мирусмонов

У.С.Болиев

Тошкент Давлат Техника Университети

Usmonboliev2@gmail.com

Шимолий Нурота тоғларида олтин конлари мавжудлиги ва уларни казиб олиш туғрисидаги маълумотлар IX-X аср манбаларида қайт этилган.

Бу ерда режали геологик тадқиқот ва қидирув ишлари 1930 йиллардан бошланган. 1930-33 йиллари бутун Шимолий Нурота тизмасида масштаби 1:500000 бўлган геологик хариталаш ишлари олиб борилган. Бу ишлар натижасида ҳудуднинг геологик тузилиши ва фойдали қазилма конлари истиқболлари туғрисида аниқ маълумотлар олинган.

1947-52 йиллари Н.А.Лосев раҳбарлигида Шимолий Нурота тизмасининг 1:200000 масштабли харитаси тузилади. Олинган натижалар асосида Қўшработ интрузиясининг жанубий контакт бўйи зонаси олтин ва шеелит учун қидириш ишлари олиб боришга тавсия этилади.

1952 йили И.Х.Хамрабоев Қўшработ интрузив массивини ўрганиш асосида Нурота тоғлари учун янги бўлган олтин-арсенопирит формациясини ажратади. Бу формация Қўшработ гранитоид интрузиясининг эндоконтакт ва экзоконтакт зоналаридаги рудаларда олтиннинг миқдори юқори эканлиги билан характерланади. Бу тадқиқотлар натижасида Чармитан (кейинчалик Зармитан деб номланган) олтин кони очилди[1].

1960-63 йиллари М.П.Пўлатов Шимолий Нуротадаги бир канча объектларда қидирув ишлари олиб боради. Бу ишлар жараёнида "рудали тепалик" ҳудуди ҳам текширилиб, натижалари таҳлил қилинади ва унинг sanoat аҳамиятига эгаллиги туғрисида фикр билдирилади. Зармитан олтин конида маъданли тоғ жинслари бўлиб, метоморфизмга учраган куйи силур

терриген ётқизиклари ва юқори палеозой Қўшработ гранитоид интрузиви саналади.

Худуднинг жанубий қисмида регионал метоморфизмга учраган қуйи силур терриген ётқизикларида ва улар орасида учрайдиган субмувофик диобазли парфиритларда Қўшработ гранитоид интрузиясининг ёриб кириши натижасида термал контакт метоморфизми ореоллари ривожланган. Контакт термол метоморфизми аниқ чегарага эга бўлмаган учта зонага ажратилади. Биринчи (ички) роговиклашган тоғ жинсларидан. иккинчиси йўл-йўлли сланецлардан ва учунчиси (ташки) доғсимон сланецлардан ташкил топган. Коннинг экзоконтакт қисмида саноат аҳамиятига эга бўлган маъданлар бу ерда роговиклашган зонадан ташқарига чиқмайди. Роговиклашган зона кварц-кордиеритли, кордиерит-андалузитли, биотитли, мускавит-биотитли роговиклардан ташкил топган.

Экзоконтактдаги йирик ер ёриклари билан боғлиқ бўлган қўмирли роговикларда ҳам саноат аҳамиятига эга бўлган маъданлар аниқланган. Бу ерда карбонатли жинслар мрамарга айланган, лекин улар маъданлардан тоза. Эндоконтакт зонасида асосий олтин минерализацияси сиенитларда учрайди. Интрузиянинг асосий фазасини ташкил қилган граносиенитларда ва баъзи бир алоҳида жойлашган гранитоид таркибли дайкаларда ҳам олтин минерализацияси учрайди. Олтин минерализацияси чўкинди жинсларда ҳам. интрузив жинсларда ҳам кварц томирлари билан боғлиқ. Бу ҳол олтин минерализациясининг Қўшработ интрузиви билан бевосита генетик боғлиқ эмаслигидан, магматик жинслар ҳосил бўлганидан сўнг фаолият кўрсатган гидротермал эритмалар туфайли шаклланидиган далолат беради. Олтин билан бирга учрайдиган ва олтин ажратиб олиш технологияси бўйича қўшимча сарф-харажатларсиз олинадиган фойдали элементлардан бири кумуш саналади.

Кумуш Олтин билан бир қаторда ўрганилган ва оддий намуналарнинг ҳаммасида анализ қилинган. Кумушнинг захираси олтин маъдани жойлашган ҳамма контурларда алоҳида ҳисоблаб чиқилган. Кумушнинг ўртача миқдори

катта эмас, олтинга нисбатан тенгма-тенг келади.

Олтиндан фарқли ўлароқ, кумуш кўп минерал бирикмалар ҳосил қилади. Уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга олтин-висмут-темир босқичида чўкган электрум ва кумушли олтин киради. Иккинчи гуруҳни кумушли антимонит сульфатлари ташкил этади.

Вольфрам. Маъданларда шеелит ва вольфрамит минераллари сифатида учрайди. Вольфрамит жуда кам тарқалганлиги учун фақат минерологик аҳамиятга эга. Шеелит минераллари тарқоқ доналар, баъзан уясимон тўпланган ҳолда учрайди. У дипрамидал, псевдо-октоэдр шаклларида кристалланган. Вольфрам ҳам кўп тоғ жинсларини анализ қилиш орқали ўрганилган.

Сульфидли олтингунгурт. Куп компонентли сульфидли концентратларда тўпланади. Уни оксидлаш шароитида эритиб, сульфат кислота олиш мумкин. Сульфат кислота эса шу жойнинг ўзида маргимушни бириктирувчи ва уни скородитга айлантирувчи нордон олтингугуртли темир эритмаси олиш учун ишлатиш мумкин. Олтингугурт миқдори олтинли маъданларда 1.8% [4].

Зармитан олтин қонида олтин маъданининг вертикал зоналлиги қонни ташкил этган тоғ жинсларига қарайлик Қўшработ интрузияси уч фазали бўлиб, унинг биринчи фазаси сиенитлардан, габбро-сиенитлардан, габбро ва эссекситлардан ташкил топган. Иккинчи биотит роговая обманка ва биотитли граносиенитлардан иборат. Учинчи фазаси эса граносиенитлардан, гранит-парфирлардан, пегматоидли гранитлардан, оплит ва гранит-аплитли дайкалардан ташкил топган.

Интрузиянинг биринчи фазасини ташкил этувчи тоғ жинслари массивнинг марказий қисмида ксенолитлар шаклида учрайди. Габбро-сиенитлардан, габбро ва эссекситлардан иборат бўлган бу ксенолитларнинг ўлчами кундалангига бир неча метрдан 100-200 м гача боради. Нисбатан йирик ўлчамли ксенолитлар кам сонли бўлиб, улар асосан массивни жанубий-шарқдан шимолий-ғарбга қараб ўтувчи кенглиги 2-3 км бўлган поласада тўпланган. Бу фазанинг асосий қисмини ташкил этувчи амфиболли

сиенитлар кейинги фаза граносиенитлари билан ўлчами 0.5 кв.км гача бўлган блокларга ажралган. Бу блоклар кейинги иккинчи фаза граносиенитлари билан ё тектоник ёриқдар билан, ёки аниқ, ва эгри-бугри магматик қўнтаклар билан туташган.

Сиенитлар структураси майда доналидан йирик доналигача ўзгаради. Иккинчи фазани ташкил этувчи тоғ жинслари бутун интрузиянинг 80-85% ҳажмини ташкил қилади. Улар ўрта ва йирик донали биотит-амфиболли граносиенитлардан иборат бўлиб, кўп ҳолларда дала шпатларининг парфирсимон ажралганлиги билан ҳарактерланади. Граносиенитларнинг минерал таркиби: кварц-20, калийли дала шпати (микроклин)-32, плагиоклаз (олигоклаз)-37, роговая обманка-2, биотит-7 дан иборат. Аксессуарлардан ильменит, титаномагнетит, циркон, апатит ва бошқалар учрайди. Граносиенитларнинг қенглиги 50-70м бўлган эндоконтакт зонасида биотитларнинг сезиларли даражада кўпайиши ва аксинча, амфиболларнинг камайиши кузатилади. Структурасининг порфирсимонлиги ошиб боради. Интрузиянинг шарқий эндокантакти бўйлаб майда ва ўрта донали граносиенитларнинг гранотли ва турмалинли турлари учрайди[3].

Фойдаланган адабиётлар

1. Ҳамрабоев. И.Ҳ. магматизм и постмагматические процессы в Западном Узбекистане. Ташкент. изд. АН Уз 1958.
2. Хорват В.А., Бертмен Э.Б., Ҳамрабоев. И.Х., Чеботарев Т.М. Околожилые метасоматические (Западный Узбекистан) сб. «Металлогения и геохимия Узбекистана». Изд. «Фан» Уз. 1974.
3. Интрузивных массивов Узбекистан часть II Академия наук узбекской институт геологии. (Западный и южный Узбекистан) Ташкент-1975.
4. Ишбоев Х.Д. диссертацияси маълумотлари.

Вертикальная зональность золотоносных Зармитанского месторождения

М.А.Мирусмонов

У.С.Болиев

Первое появление золоторудного месторождения Зармитан. Учение, которые сделали исследование, состояние горных пород. Вертикальная зональность рудного золота в зармитанский месторождения, структура полезных компонентов.